

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2018  
Декабрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ</b> Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала .....	5
<b>Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА</b> Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масаласага татбиғи .....	11
<b>Д.ОРИПОВ</b> Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар .....	17
<b>М.АБДУМАННОПОВ</b> Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала .....	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

<b>Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ</b> Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш .....	25
<b>М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА</b> Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш .....	32

КИМЁ

<b>А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ</b> <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги .....	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ</b> Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами .....	39
<b>М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ</b> Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси .....	43
<b>В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ</b> Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси .....	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА</b> Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари .....	51
--	----

ТАРИХ

<b>Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ</b> Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги .....	55
<b>Ж.ҲАЙИТОВ</b> Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари) .....	61
<b>Н.РЕЖАББОЕВ</b> Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар) .....	64
<b>З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА</b> Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар .....	69

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА</b> Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги .....	74
<b>А.КОМИЛОВ</b> Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни .....	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>С.ХЎЖАЕВ</b> “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти .....	80
--	----

УДК: 1/130/008(09):338.3

## ИМОМ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДАГИ АХЛОҚ-ОДОБ ҚОИДАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТИГА АЛОҚАДОРЛИГИ

Б.Ганиев, С.Эватов, М.Неъматова

### Аннотация

Мақолада Имом Бухорийнинг ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги атрофлича ўрганилган. Шунингдек, алломанинг тадбиркорлик маданиятига оид бошқа ҳадислари фалсафий қиёсланган.

### Аннотация

В данной статье всесторонне изучена отношение нравственно-поведенческих правил в хадисах Имама Бухари к предпринимательской культуре. Также в статье философски сопоставлены и другие хадисы мыслителя, относящиеся к культуре предпринимательства.

### Annotation

This article the relationship of moral and educational rules of conduct in the hadiths by Imam Bukhari with an entrepreneurial culture are comprehensively studied. The article also philosophically compares the other hadiths by thinker are related to the culture of entrepreneurship.

**Таянч сўз ва иборалар:** ислом, ҳадислар, одоб, ахлоқ, маданият, тадбиркорлик, қоида, алоқадорлик.

**Ключевые слова и выражения:** ислам, хадисы, воспитание, нравственность, культура, предпринимательство, правило, взаимосвязь.

**Keywords and expressions:** islam, hadith, upbringing, morality, culture, entrepreneurship, rule, relationship.

Кўп асрлик миллий ва диний кадрятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Жамиятда ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлашда диний-маърифий соҳа ўрнини ошириш ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2018 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда бир қатор устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, жумладан, “жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳияти, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий кадрятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш

белгилаб қўйилган.

Тараққиётимизнинг янги босқичида диний-маърифий соҳа билан биргаликда халқимиз, айниқса, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга муҳим стратегик вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимиз айтганларидек, “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улущини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат” [2.147]. Ислом дини ҳам тадбиркорлик, ҳам жамият тараққиётининг ривожига, ҳам фуқароларимизнинг тинчлик ва тотувликда, фаровон ҳаёт кечиришлари учун бирдек аҳамиятлидир.

Шу ўринда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870 й.й.) Ислом оламида шуҳрат қозонган буюк аллома, мусулмон дунёси яқдиллик билан эътироф этган мутафаккир бобомизнинг илмий меросидан дин ҳам тадбиркорлик ҳам бирдек баҳраманд бўла олади. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз шундай деган эдилар: “Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг Ислом маданиятини рағбат топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “Муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Бу муборак зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли Ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби Ислом динида

Б.Ганиев – ФарДУ, фалсафа фанлари доктори (PhD), катта ўқитувчи.

С.Эватов – ФарДУ ўқитувчиси.

М.Неъматова – ФарДУ талабаси.

Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда” [3.38].

Ислом динининг асосий манбаларида тадбиркорлик ахлоқ-одоблари мавжуд бўлиб, у Қуръони Карим ва ҳадисларда баён этилган. Ўз навбатида тадбиркорлик (савдо-сотик) одобини ахлоқий меъёрлар доирасида амалга ошириш суннат эканлиги таъкидланган.

Ҳадисшуносликда ўз ўрнига эга бўлган Имом ал-Бухорий 10 ёшидан бошлаб араб тили ва ҳадисларни ўргана бошлаган ва тўплаган, ғоят кучли хотирага эгалиги туфайли Араб Халифалигининг турли вилоятларига (Ҳижоз, Миср, Ироқ, Хуросон) саёҳат қилади, минг нафардан ортиқ мусулмон шайхидан ҳадисларни эшитади ва хотирасида сақлаб қолади. Манбаларнинг хабар беришича, аллома 600 мингта ҳадисни тўплаган ва текширган, 200 мингта ҳадисни шахсан ўзи ёзиб олган, уларнинг 7400 таси “бенуксон” саналган. Шу билан бирга ҳадисларни 97 та китобга, 3450 та бобга бўлиб, жойлаштирган [4.44].

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар орасида унинг “Ал-Адаб ал-Муфрад” асари ахлоқ ва одоб борасида энг нодир, энг саҳиҳ ҳадислар тўпламидир. Албатта, бир мақола ҳажмида Пайғамбаримиз (с.а.в.) башорат қилган дин, илм-маърифат уммонидан тадбиркорлик маданиятини ёритиш мураккаб масала. Шу сабабли Имом Бухорийнинг муборак шахси, айрим фикрлари ва айрим ҳадисларга берган шарҳларини таҳлил қилиш асосида, бу буюк зотни одоб-ахлоқ, маънавият ва маданият, динимиз тўғрисидаги қарашларини баён этмоқчимиз. Улар ўзининг ғоят теранлиги, мазмунининг чуқурлиги билан ажралиб туради. Ҳадисларда мужассамлашган барча тамойиллар инсон табиатини покизалашга, маънавий ҳаётини яхшилашга, Ислом динининг руҳига таянишга чақиради. Улардан одоб-ахлоққа доир баъзиларини кўриб чиқиш ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини яққол кўрсатиб туради. Имом ал-Бухорийга: “Дин нима?” деб савол берганларида, у “Дин – бу, насиҳат, яхши маслаҳат, ахлоқий таълимот” деб, жавоб ёзган [5.27].”

Агар бу таърифнинг моҳиятига эътибор берилса, Ислом динининг ахлоқий-тарбиявий жиҳати ва ҳар бир ишда бамаслаҳат, тадбирли бўлиш бениҳоят катта аҳамиятга эга эканлигини, комил инсон ва баркамол шахс шаклланишининг маънавий негизи эканлиги намоён бўлади. Ҳадисларда яхши маслаҳат бериш, ёмон ишлардан, куфр ва розолат хатти-

ҳаракатларидан сақловчи муҳим воситалардан бири эканлиги таъкидланади.

Маълумки, инсон ҳаёти ҳамма вақт жамият билан узвий боғланган ҳолда кечади, инсоннинг ундан ажралиб яшаши мумкин эмас. Инсон ўз ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-бош, турар-жой таъминотини қадим-қадимдан йўлга қўйиб келган. Шулар жумласига тижорат, зироат, чорвачилик, турли фойдали касб-хунар ва тадбиркорлик ҳам киради. Динимиз таълимоти ялқовлик, боқимандалик каби зарарли иллатларни қатъий қоралаб, инсонларни ҳалол ризқ топиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш ва чин ихлос билан меҳнат қилиб ҳаёт кечирishга чорлайди. Аждодларимиздан қолган панд-насиҳат ва ўғитларда барчани ҳалол меҳнат қилиш, топилган ризқ-рўзни кўпчилик билан бирга баҳам кўриш, Оллоҳ берган ҳаёт неъматларига доим шукр айтиш каби солиҳ амалларга чақирилган. Мисол учун, “Меҳнатнинг таги роҳат”, “Кўли очиқнинг йўли очик”, “Шукри кўпнинг ризқи кўп” каби кўплаб пурмаёно ҳикматларни зикр этишимиз мумкин.

Имом Бухорий тўплаган ва изоҳлаган ҳадисларда дунёвий (савдо-сотик, тижорат), ишларда шошилмаслик, ҳақиқат ошкор бўлмагунча бирор тадбир кўришда мулоҳазали бўлиш, ҳукм чиқаришда адолатли бўлиш каби фикрларни илгари суради. Айниқса, дунёвий ишларда ортиқча жаҳлга берилмаслик лозимлигини уқтиради.

Имом Бухорий ҳадисларида илм, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, маданият, ишларда тижорат (тадбиркорлик), соғлиқ-саломатлик, диний маърифатлик каби фазилатларни улуғлайди ва уларга эришиш йўлларини баён қилиб беради. Аллома ахлоққа доир ҳалимлик, ақллиликни Оллоҳ яхши кўрадиган фазилат, деб таърифлайди. Инсоннинг амалий ҳаётда ва турмуш тарзидаги одоб-ахлоқчилиги ва бардошлилигини Имом Бухорий рамзий маънода қуйидаги ҳадисда шундай изоҳлайди: “Сизлар паҳлавон деб, кимни ҳисоблайсизлар,” деб саҳобаларидан сўрадилар (Расулulloҳ с.а.в.) Улар: “Биз курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини паҳлавон деб биламиз,” дейишди. “Ундай эмас, балки жаҳл чиққан вақтда ҳам ўзини тия оладиган киши паҳлавон дейилади”, дедилар [6.60]. Бундан хулоса шуки, ақлли, ҳудожўй, мусулмон, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф кўрсатмаларига асосланиб жаҳлга - ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, аччиқланиш ва ғазабланиш туйғусини енгишга чақиради. Шу ўринда ўзбек халқининг асрлар оша яшаб келаётган мақолларини келтириб ўтишни ўринли, деб ҳисоблаймиз: “Ақлингга ақл қўш, жаҳлингга сабр” ва “Жаҳл келганда ақл кетади.” Демак, ўзбек халқи ҳаётда ёшлар тарбияси ва тадбиркорлик

(савдо-сотик) маданиятида қадимдан ҳадис қоидаларига суяниб, уларга амал қилиб келган.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: ўзбек халқи азалдан савдогарлик, ишбилармонлик, уддабуронлик ва тадбиркорлик ишларида ҳалоллик, қўли очиқлик, поклик, виждонлилик, сабр-бардошлилик каби ҳадисларда келтирилган юксак маънавий-ахлоқий ва маданий фазилатларга риоя қилиб келган. Бунда, биринчи навбатда, ақл, илм, ишбилармонлик, ихтиёрийлик, олижаноблик кабиларни кўрсатиш зарур. “Кишиларга илм ўргатинглар, - дейилади ҳадисларда, – уларга қийин эмас, енгил йўлни кўрсатинглар, қачон жаҳлингиз чиқса, жим туришга ўрганинг [6.83].”

Имом Бухорий Пайғамбар алайҳиссаломнинг “Мен яхши ва олий одоб ва ахлоқларини камолотга етказиш учун Пайғамбар қилиб юборилдим”, деган муборак сўзларини шарҳлаб, инсонда яхши одоб ва ахлоқни тарбиялашга қаратилган 1322 ҳадис, 644 бобдан иборат бўлган “Ал-адаб, ал-Муфрад” ҳадислар тўпламини яратдилар [6.10].

Инсоннинг камолотга эришишида эътиқод, одоб-ахлоқ, яхши хулқни тарбиялашда меҳнат қилиш, бирон касбни (тадбиркорлик маъқулланган - Б.Ф.) эгаллаш, бунда ҳалолликнинг аҳамиятига алоҳида ўрин берилган. Бу ҳақда ҳадисларнинг бирида шундай дейилади: “Менинг саҳобаларим ўз касблари (меҳнатлари) билан тирикчилик қилурлар”, дердилар Расулulloҳ [6.9]. Тўрт саҳобалар ҳам касбли бўлишган – ҳазрат Абу Сиддиқ газмол сотувчи, ҳазрат Умар теричи, ҳазрат Усмон озиқ-овқат моллари билан шуғулланувчи тижоратчи ва ҳазрат Али бўлса ижарачи бўлишган. Шунингдек, мазҳаббошимиз, улуғ имом Абу Ҳанифа (р.х.) ва у зотнинг шогирдлари ва издошлари бу ўринда ҳаммамизга намуна эканликларини яхши биламиз. Улар ўзларининг кундалик ҳаётларида яхшилик қилиш, ҳалолликни ўзларига асосий мезон қилиб олишган.

Ризқ-рўзни ҳалол йўллар орқали талаб қилиш касб ҳисобланади. Одам (а.с.) ҳам ризқларини буғдой-арпа экиш, ўриш, тегирмон

қилиш ва нон ёпиш орқали топганлар. Инсоният тарихи давомида барча пайғамбарлар ҳам касб-хунар ўрганиб, у орқали ҳаёт кечиршиган. Масалан, Нуҳ (а.с) дурадгорлик, Иброҳим (а.с.) газмол сотувчи, Довуд (а.с.) темирчи, Сулаймон (а.с.) хурмо дарахти новдаларидан сават ясовчи, Закариё (а.с.) дурадгорлик, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) чўпонлик ва савдогарлик касби билан машғул бўлишган. Шунингдек, саҳобаи киромлар ҳам бирон-бир касб-хунар билан ризқ топишга саъй-ҳаракат қилишган.

Қуръони Карим ва Ҳадисларда инсонларнинг турли ҳаётий эҳтиёж ва заруриятлар сабабидан ер юзига тарқалиб, ризқ-рўз топишлари, тадбиркорлик каби фойдали фаолият билан шуғулланишлари, бор куч ва иқтидор, ақл ва билимни сарфлаб, ишлаб чиқариш ва иқтисодий тараққиёт сари саъй-ҳаракат қилишлари зарурлигига чорловчи кўплаб илоҳий далиллар мавжуд.

Савдо-сотик (тадбиркорлик)да ҳалоллик ва ўзаро рози-ризолик бўлиш кераклиги ҳақида Имом Бухорий ўзининг тўрт жилдлик “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўпламининг иккинчи китоби, “Савдо-сотик”, яъни айнан савдо ишларидаги одоб-ахлоқ масалаларига тааллуқлидир. Бу эса ҳамма вақт томонларнинг ўзаро тенглиги, ихтиёрийлигига асосланиши лозимлиги, шундагина барака, фаровонлик, жамият тараққиёти, аҳолида тадбиркорлик маданиятини юксалтириш учун хизмат қилиши ҳақида ўринли ва асосли ҳадислар келтирилган [7.3-167].

Бу ҳадиснинг маъноси замирида барча олди-сотди билан шуғулланувчилар, тадбиркорлар, касб-хунар билан машғул бўлганлар ҳам бор. Тадбиркор, аввало, ўз меҳнатига ва илмга таяниши, адолат мезонларига асосланиши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ва ишбилармонликни улкан дарахтнинг ўқ илдизи, деб таърифлаш ва шу нуқтаи назардан Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларини бу соҳа учун дастуриламал сифатида хизмат қилишини эътироф этиш зарур.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
4. Ислам. Энциклопедический словарь. - М.: Наука, 1991.
5. Имом Бухорий. Ҳадис, 4 томлик, 1-китоб, - Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991
6. Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). - Т.: Ўзбекистон, 1991.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ, -Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1997.

(Тақризчи: А.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)